

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби № 1 (143)

Автобусни кўрган борми?

Кўнчица биз 103-автобусни кўриб кетдик. Туриб қолдик. Бу маршрутдаги автобуслар қатнов жадвалига мутлақо риоя этилмайди. Натигада соатлаб кетилди туриб «103-ин кўрган борми?», дея беихтиёр хиргойи қилдик киши.

А. ТИМОФЕЕВ.

С. АЪЗАМОВ.

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

— Йўловчининг гапи тўғри. Текширувда бу тасдиқланди. Мазкур маршрут ҳайдовчиларининг бригада йиғилишида шикоят хати муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам иш аниқ ташкил этилмаганлиги, ҳаратдаги составнинг техник ҳолати настигига нисбатан йўловчилардан ҳақли эътирозлар бўлганлиги. Бригада шофёрларига нисбатан талабчанлик қилмаганлиги учун маршрут бригадирини Малишев қатъий оғоҳландирди. У 103-маршрут қонкурсиз ишлаганлиги учун ойлик мукофотнинг 20 процентидан маҳрум бўлди.

Кўчаларимиз ўгай эмас-ку

Шундай гўзал шаҳримизнинг айрим кўчаларида чироқ ёнмайди деса, ишонгинга келмайди. Беихтиёр «Ия, нахотки?!» дейсиз. Биз истиқомат қилаётган Карамзин, Володарский, Комсомол 40 йиллиги, Мерсеев, Даргомижский кўчалари худди бегонага ўхшайди, санитария аҳоли ёмон, ёриш системалари аяқчи аҳолида. Бунга қачон чек қўйлади?

В. ҲАСАНОВ ва бошқалар.

Х. ОХУНЖОНОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

— Шикоят хати юқоридан жойларга бориб текширилди. Фактлар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам уй-рўзгор чиқинди вақтида олиб кетилмас экан. Бу эса кўчалар ҳуснига «доғ туширган». Бу кўчаларни ташқи ёришни ҳам ёмон аҳолидаги аниқланди. Айни пайтда камчиликлар барқарор этилди. Комсомол 40 йиллиги, Володарский ва Зеленский кўчалари ёриш системалари яхши ишляпти. Карамзин ва Марсеев кўчаларидаги ёриш тармоқлари «Узбекидрострой» ташкилотлари томонидан капитал ремонт қилинган.



Тошкент химия-фармацевтика заводидан янги йилни яхши суръатлар билан бошлаган коллективлар кўп. Шулардан бири корхонанинг 1-филиалдаги бинт қирқиб чехи комсомол-ешлар бригадасидир.

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] бригаданинг пешкадам аъзоларидан Р. Раҳмонов, З. Маҳмадова ва Ш. Файезвалов. Улар кўнлик топириқларни 120—130 процентдан адо этишляпти. М. Нуриддинов фотоси.

Барча қулайликлар яратилмоқда

Тошкентдаги «Қизил тоғ» ишлаб чиқариш бирлашмаси Красноярск филиалининг барча бригадалари пудрат усулига ўтганлиги оқсб қолган иқтисодий аҳолини тиклашга ёрдам берди. Илк бор болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар ва эркаклар палъоси тибик чиқариш плани бажарилди. Иш ҳақи ҳам ошди.

— Биз бурлиш давридан ўтиб олдик, — дейди Филмал бошлиғи Л. Антонова. — Мухими шундаки, коллектив ўз кучига ишонди. Энди ишлар юришиб кетди.

Ҳужалик юртишнинг янги усуллари корхонани техникавий қайта қуроллантириши жадаллаштиришга имкон берди. Цехларга Фарбий Германиянинг «Дюрнопл» фирмасида ишлаб чиқарилган 24 та тикув машинаси ўрнатилди. Буг-ҳаво даэмоллар, босмалар, замонавий манекенлар ўрнатилган навбат келди. Лекин қозонхонанинг йўқлиги сабабли бу иш тўхтаб турбди. Бунинг ҳам иложи топилди. Филмал шаҳар қозонхонаси қурилишида пай асосида қатнашиш учун 250 минг сўм пул ўтказди.

Корхонада 490 киши, асосан хотин-қизлар ишляпти. Уларнинг кўпчилиги қончилар оилаларининг аъзоларидир. Ишчиларнинг бир қисми эса бу ерга қўшни «Намданак» колхозидан келди. Уларни ишга ва уйга машиналарда олиб бориб қўйишди. Шундай бўлса ҳам ҳозирча 40 та ишчи этишмаяпти. Лекин, бу ерда, ҳисоблашларича, 1989 йилдаёқ мазкур муаммолар бартариб этилди. Корхонада «ҳар қандай йўл билан» плани бажариш керак деган принципдан одам ҳақида таълимий қиллиш диққат марказида тутиб иқтисодий сисбат юртишга ўтдилар. Бу шунданки сўз эмас. Масалан, Филмал ўғиллиги ҳисобига ўтиши билан болалар боғчаси сарф-ҳаражатларининг бир қисмини ўз зиммасига олди, уй-жой программаси ишлаб чиқилди.

Обуначи нега ранжиди?

Мен газетангизга бир неча йилдан бери оубна бўламан. Аммо 25-алоқа бўлими ходимлари «Тошкент оқишони» ва «Известия» газеталарини вақтида етказиб бермаётдилар. Почта раҳбариятига бир неча бор мурожаат етдим. Бироқ натижа бўлмапти.

Ж. АБДУЛЛАЕВ, пенсионер, Першин кўчаси, 160-уй.

А. БАЛАШОВА.

Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлигининг ўринбосари.

— Шикоятингиз ўрилли, бу текширишда маълум бўлди. Почта алоқаси А. Степанованинг айби билан обунанинг вақтида етказилмаган. Сертели район алоқа бўлими бошлигининг буйруғига биноан унга илтимосий жазо берилди. Алоқа бўлими бошлиғи В. Миримов ҳам назоратни бундаштириб юборганлиги ва обуначи шикоятига эътибор бермаганлиги учун илтимосий жазо олди.

РЕДАКЦИЈАДАН:

обуна масаласида ана шу мазмунда келатган шикоят хатлари кам эмас. Ҳақиқатан бу борада халқ камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, ҳамшаҳарларимизга почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси обуна етказиш хизмати телефонини аслатиб ўтамиз. 067 телефонига мурожаат этиб, аниқ жавоб оласиз.

Менга лойиқ иш борми?

Мен учинчи гуруҳа инвалидиман. Вир оёғим кесиб ташланган. Кўларим бут. Ишламоқчиман. Лекин ўзимга яраша иш тополмай, сарсон бўлиб қолдим. Ердан беринглр...

И. ОХУНОВА, Заречная кўчаси, 4-проезд, 80-уй.

Л. БОРИШЧЕНКО.

Тошкент шаҳри аҳолисинга ишга жойлаштириш, ихтисосликка тайёроқлаш ва касбга йўналтириш маркази директори.

— Мантуб муаллифи онаси ва синглиси билан бирга яшайди. 26 сўм нафақа олади. Айни пайтда унга Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига йўланма бердик. У бу ерда 17 январдан бошлаб уч ой мобайнида ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида тикувчилик касбининг ўрганади ва битиргач шу ерда ишляпти.

Газ ҳидидан «дод»

Вир масалани ҳал этолмай, охири чорчадик. Сўнгги умидимиз редакцияда. Биз истиқомат қилаётган уйни 1986 йилда «Уз-агропромстрой» трести кўриб берган эди. Уй ёнида эса газ тақсимловчи пункт бор. Мавжуд қонун-қоидага кўра у уйдан анча нарида бўлиши керак экан. Шу ердан газ чиқиб, нафас олишга қўймапти. Ахир бу кишилар саломатлигига зарар-ку?

Акмал Икромов район, Чинқор массивининг 12-квартали 14-уйида истиқомат қилувчи бир гуруҳа аҳоли.

С. КУЧАРОВ, «Ташгаз» бирлашмаси бош ижнери.

— Газ тақсимловчи пункт «Ташгаз» институт лойиҳаси бўйича қурилиш норма ва қоидаларига биноан қурилган. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, газ тақсимловчи пункт белгиланган режимда ишляпти. Газ чиқиб аниқланмади. Аҳолининг бу шикоятини ўринсиз.

Аммо лойиҳа ва монтаж ишларини ихтисослаштирилган ташкилотлар буюртмачи маблағи ҳисобига бажарган тақдирда газ тақсимловчи пунктнинг бошқа жойга ўтказиш тўғрисидаги аҳоли талабига «Ташгаз» қарши эмас.

А. КОССОВ.

Акмал Икромов район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

— Юқоридаги коллектив шикоят хатини район Совети ижроия комитети ҳам кўриб чиқди. Газ тақсимловчи пункт газ ҳужалиги хавфсизлиги қоидаларига биноан ўрнатилган. Уни текшириш чоғида газ ҳиди чиқатганлиги аниқланмади. Бироқ ана шу йудаги аҳоли илтимосини инобатга олиб «Уз-агропромстрой» бирлашмаси ҳисобига газ тақсимловчи пунктни бошқа жойга ўтказиш тўғрисидаги тақрир эмас. Район Совети ижроия комитети томонидан «Уз-агропромстрой» бирлашмаси раҳбарлигига аҳолининг бу илтимоси маълум қилинди. Акмал Икромов район газлаштириш бошқармасига газ тақсимловчи пунктни мунтазам назорат қилиб туриш топширилди.

«Хатларга мутасадди раҳбарлар жавобини «Тошкент оқишони» мух. бири Т. ТОШЕВ тайёрлади.



Бир муаммо ҳақида

«ТОШ ШАҲРИ»НИНГ БЕЗАКТОШЛАРИ

ҲОЗИРГИ кўнга келиб эса гўзал Тошкентнинг кўчалари-ю хиёбонларини сайр қилар экансиз, ҳар боқишда мрамор, гранит каби безактошлар қадалган иншоотларни кўриб кўзингиз қувонади. Гўё «Тош шаҳри» бўйлаб ажойиб минерологик экскурсия қилгандай бўласиз. Айниқса метро бекатларидаги турли-туман тошлар кўзни қамаштиради. «Пахтакор», Халқлар дўстлиги, «Комсомол», Со бир Раҳимов, «СССР 50 йиллиги», «Октябрь Инқилоби», Чкалов, «Тошкент» каби бекатларга тўшган қора рангли сайқалланган тош—лаборант эътиборга молиқдир. Шунинг учун оддий қора тош бўлиб, ҳайрон қоларли жойи йўқдек. Аслида эса, у габор қабилар гуруҳига мансуб магматик тош жинси бўлиб, жуда нафисдир. Кальций, негрий, алюминий, калий кабиларнинг табиий қотишмасидан тузилган ушбу лабораторит номи у дастлаб топилган Канададаги Лаборант арич ороли номи билан аталган.

Лаборант бёзган турли мамлакатларда «Товустош», «Буқақўзи», «Мушукқўзи», «Ойтош», «Қўёштош» каби сифатдош номлар билан ҳам аталган. Лаборантнинг гўзаллиги сирини унинг айрим билдур кристаллари зангор, яшил, баъзан эса тилла рангда қақнашиданлири. Шунинг учун зангор рангда чарақлаганларини Бирмада «Қора Ойтош» дейишса, сариқ ёки аёльсий рангда чарақлаганларини «Қўёштош» дейишган. Улардан биноларни манзарали безашда, пардозлашда, қолашда умумий фойдаланишган. Ой ва Қўёштош эса заргарликда яллатишган. Лаборантнинг кўзни яллатиб қақнаши сабаблар ҳануз батафсил аниқланмаган. Айрим кристалларнинг ташқи қисмлари, яъни йўл-йўл чиққилар турли-туман қақнайди. Унга қараш бурчлагининг ўзгариши билан ҳам кристаллнинг қақнаши ўчиб-қораяди-да, энди бошқа жойдагиси чарақлаб-ёниб сизни ўзига мафтун этади. Шунинг учун ҳам уни Хиндистонда товланувчи тош пагина, Гренландияда эса мушук кўзига ўхшатишган.

Манзарали безактош сифатида ишлатилганда унинг қақнаш равшанлиги, ранглари ҳамда қақновчи кристаллар сонига қаралади. Энг сифатли лабораторит намуналарининг ҳар квадрат метр сатҳида юзлаб равшан қақновчи кристаллар мавжуд. Шунини қизиқки, бу кристаллар фақат кўёш нури маълум қиялик билан унга тушгандагина чарақлаб, сиз билан гўё «бекнимачоқ» ўйнайди. Ундан кўзингизни биров олиб қочиши билан ўзини дарҳол сиздан яшириди, лекин шу он бошқа жойдаги кристалл қақнаб эътиборингизни тортади. Бунинг учун йўлнингизда уч-

раган қоратощ лабораторит тикилиб қараб, сўзимизни амалда сынаб кўришигиз мумкин.

Шаҳримиздаги «Узбекигеология», Фрунзе савло маркази каби биноларнинг пойдеворларида М. И. Калинин ҳайкали остидан қоратощлар кузатишга молиқдир. Айниқса «Фазогирлар хиёбони»га ўрнатилган юртдошнинг В. Жоников бостининг «Товустош» билан оқилона безатилганлигини кўриш мароқлидир. Дарҳақлар сонси тушмайидан ерга бу ноёб тошдан тўшланган йўлдан юриб фазогир ҳайкаласи томон бор экансиз, ажиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Гўёки қўёшли кунда юздунли осмон ёнғини остига кўчиб қолгандек қўринадилар. Чунки, қора рангли тошдан билдур кристаллар жануб кўёшида бамисоли юздунли чарақлайди. Фазогир бости ҳам «Қўёштош», яхлит устуни устига ўрнатилганлиги кўзни қувонтиради. Буларни диққат билан кузатган ҳар бир киши «Товустош» сеҳридан баҳраманд бўлиб, бир олам ўчмас таассурот билан қайтади.

«Қўёштош»нинг ана шундай сеҳридан хуш олиб, Франция каби ишбилармон мамлакатларда цементдан фойдаланиб, маълум қияликда суратлар ишланмоқда. Бундай раси кундуз сон тўртда кўришса, соат бешда кўришмайди. Бамисоли лабораторит кристалл сингари «бекнимачоқ» ўйнайди.

Ватанимизда лабораторит тош тахталари билан биноларни қолаб безаш ўрта асрлардаёқ илк феодализм давлати Киев Рус даяридан бошланган. Кейинчалик эса ундан турли ёдгорликларни безашда бажону дил фойдаланишган. Бизнинг давримизда эса Украина лабораторитидан пардозлашда кенг фойдаланилмоқда. Бунга сабаб, унинг мафтункор қақнашидан ташқари ишлов бериш учун қулайлиги, совуққа чидамлиги, мустақамлиги каби бир қатор хусусиятларидир.

Лекин, қақновчи «Товустош»ни ҳашаматли бинолар ёки метронинг дахлизлари ва бекатлари сахнига, пиллаюналарга ҳам қадалаётганлигини ҳеч қандай вақ билан оқлаб бўлмайди. Чунки бундай кўёш тушмайидан ерда «Товустош»нинг қақнаш хусусияти йўқолади, электр ёруғи эса кўёш ўрнини босолмайди. Шунинг учун электр нурида унинг қақнаши деярли сезилмайди. Метронининг юқорида кўрастиб ўтилган бекатлариде ўзиниғиз бунинг гувоҳи бўлишигиз мумкин. Шунга қўра, бу нафис «сирли» қоратощ кўёш тушмас жойларда ўз хусусиятини йўқотиб, муҳташам қасрларни тусига киритмаслиги учун ундан оқилона фойдаланиш

Дунёда бизнинг Тошкентлик кўп ном билан аталган шаҳар кэмдан-кэм топилса керак. Лекин, Тошкент, кўпчиликликнинг фикрича «Тош шаҳар» дир. Ҳатто, Беруний ва Махмуд Қошғарий ҳам ун биринчи асрдаёқ, Тошкент «Тош шаҳар эканлигини ўқирган эди. Тошкентнинг «Тош» асосини таниқли географ Ҳамидулла Ҳасанов ҳам таъкидлаган эди.

Қадимги пайтда шаҳарда тошлар ва тош бинолар кам бўлган-ку, тош шаҳар дейишга асос бормиди, деган ҳаққоний савол ҳам туғилиши табиий. Топонимика фанининг қонунларига кўра жойларга берилган номлар бироқ нарсанинг кўпчилигини эмас, балки ўша нарсанинг камлигиндан ҳам қўйилиши мумкин. Бунга, дастлаб тош бинолари бўлмаган Москвада тошдан Кремль қурилган, «Белокаменная» номи пайдо бўлганини бир мисолдир. Шунга ўхшаб, эҳтимол Тошкент номи ҳам бу ердаги дастлабки тош биного қараб пайдо бўлгандир.

керак. Мафтункор манзарали бу тошнинг асосий вазифаси турли рангда товланиб, одамлар билан «бекнимачоқ ўйнаш» ва уларга бир олам заъб бағишлайдир. Ваҳоланки, у мармар ёки гранит сингари ошиб-тошиб ётган ҳам йўқ. Унинг қони Иттифоқимизда фақат Украинанинг Житомир областидадир. Шунда ҳам товланадиган бу тоғ жинсининг умумий кўри жуда кўп эмас.

Гўзал Тошкентимиз йил давомидаги кўёшли қонларнинг қўлиги билан марказий шаҳарлардан ажралиб туради. Демак, кўёш нури «Товустош» товлантириш муддати ҳам бошқа метроди шаҳарларникидан анча кўпроқ. Шунинг учун ҳам бу нафис тош билан кўёш «тегиб» турувчи метрога тушиш жойларини, айрим маъмурий биноларни, музей, театр, ёдгорликлар қабиларини безаш мақсада мувофиқдир.

Кези келганда шунга ҳам айтиш ўришлики, метро қурувчиларининг қаҳрамонликлари туфайли бунёда келган ер ости қасрларига тушиб, у ерга фант киритиб турган турли мармар, гранит каби тошларнинг бутун бир коллекциясини кўрасиз. Марказий шаҳарлар метрополитенларида мармартошларни тусига қараб ёки «гулнингизга» тўғрилайб ер ости қасрларини дид билан безашган бир пайтда, бизда масаланинг бу томони ҳам оқсамонда. Ер ости саройларида сайр қилсангиз, айрим ер ости бекатлардаги мармар тошхатларда шопилиқ равишда палла-партини билан қолланганлигини гувоҳи бўласиз. Бу ҳолини шаҳримиздаги айрим маъмурий биноларда, кўчалар остидан ўтувчи йўлларда, музей ва меҳмонхоналарда, рестороан қабиларда ҳам кўриш мумкин. Улар республикамизнинг Гозгон, Омюқўтон, Оркўтой каби қонлардан, Уралдан, Уфалдан ва Кавказдан, Украинадан, Озарбайжондан келтирилган мармар тошхатлар билан қолланган. Улар ўзгача гўзаллик бахш этибгина қолмасдан, балки турли иншоотларини ёгин-сочинга ва жануб кўёшига бўлган чидамлигини янада оширади. Шунга қўра, мармарга бўлган талаб йилдан-йилга ортомқода. Тоғлар юзини чўтир қилиб бўлса-да, не машаққатлар билан табиат бағридан юлиб олиниб инсонга хизмат қилдириш учун келтирилмоқда. Бу эса фан ва маданият тобора гурирарб ўсаётган шаҳримизда безактошлардан янада оқилона фойдаланишни тақозо этади.

«Тош шаҳри» — Тошкентимизнинг диққатга сазовор жойларини экскурсоводлар саёхатчиларга таништиришда бу тошлар ҳақида бир оғиз ҳам гапиринмайди. Жиллоли безактошлар ҳақидаги маълумотларини на ер ости қасрларида, на ер усти иншоотларини қасрларига ишлатилган тошлар билан сайқалланган биноларга, айниқса одамлар гавжум бўлган ер ости қасрларига ишлатилган тошларнинг номлари, олинган ерлари каби муҳим маълумотларни ёзиб, осиб қўйўлса, халқимиз қимматбаҳо тақинчоқ-тошлардан ташқари «Тош шаҳри» даги безактошлар ҳақида ҳам батафсилроқ маълумотга эга бўлишарди.

Исмоил ОТАЖОНОВ, Тошкент гидрогеология ва инженерлик геология институтининг илмий ходими, СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Жонажон Ватан бўлаб

ЯНГИ ФИРМА МАГАЗИНИ Вологда. Область маркази Вологда тикувчилик фабрикасининг фирма магазини оғилди. Магазин харидорлар эътиборини ўрнатилла лабораториясига айланди. Ҳозир унинг залларига ҳаманин дидига ҳам келадиган кийим-кечаларнинг ўнла моделлари қўйилган.

ҚАР ИЛИ ИККИ УЧ МИЛЛИОН СЎМЛИК

Оқинда (Молдавия ССР). Оқинда технология ускуналари тажриба заводи конвейеридан мамлакат ремонт корхоналари учун дастлабки ювчи машиналари чиқарилди. «Росинка» ва «Днепр» агрегатлари ихчам бўлиб, уларни умумий технологик поток линияга улаш мумкин. Агрегатлардан фойдаланиш қўлай, уларни автоматик режимда ишлатиш мумкин. Завод ремонтчиларга ҳар йили 2,5-3 миллион сўмлик шундай машиналар етказиб бера олади.



Мария Климовна Царенко — Киевдаги Т. Г. Шевченко номи бадий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ветеран каштакчилардан бири. Украинанинг танқили коллективлари артистлари учун кўркам миллий костюмларни айнан Мария Климовна тайёрлаган. Царенколар оиласида ана шу халқ хунармандчилиги сирлари авлоддан авлодга ўтиб келади.



Украина ССР. Львовлик ҳайкалтарош Богдан Романец ўз композициясини Т. Г. Шевченко туғилган кунининг 175 йиллигига бағишлади. Саньаторининг бронзадан ясаган янги асари Львов областининг Пустомитов районидagi Давидки кишлоғида, Қўбзичи номи билан аталувчи ўрта мактаб олдига унинг таваллуди нишонланадиган 1989 йилнинг баҳорида ўрнатилди.

СУРАТДА: Богдан Романец ўз композициясининг гипс модели устидаги сўнгги ишларини олиб бормоқда.



Б. Криштул фотоси, ТАСС фотохроникаси.

В. Фалин фотоси, ТАСС фотохроникаси.



«Юбилей» спорт саройида Тошкент цирк артистлари иштирокида катта театрлаштирилган Янги йил томошалари ўтказилди.

Р. Альбеков фотоси.

Шифокор қабулида

Грипп энгил дард эмас

Иссиқ жон — иситмасиз бўлмайди. Кишига баъзида дард ёпишади, шундай касалликлардан бири — грипп хасталиғидир. Бу касалликни кўзгатувчи вирус ҳар хил бўлади. Ҳозирги вақтда грипп вирусининг учта асосий — А, В, С турлари маълум. Шунингдек, кишига, вируснинг ҳар бир тури мустақил касаллик ҳисоб қилинади, грипп билан оғриб ўтган бемор организмидан вируснинг фақат шу туриге нисбатан ҳимоя моддалари ишлаб чиқади. Масалан, агар киши гриппнинг А вирус билан оғриган бўлса, у гриппнинг В ёки С тури билан ҳам оғриши мумкин.

Грипп вирусини ўзининг биологик хусусиятларини доимо ўзгартириб тургани билан жуда хавфлидир. Вируснинг барча тури одамлар орасида бир вақтда авж олмайди, бироқ янги пайдо бўлган тури эса оддингисини суриб чиқариб, ўзини эгалаб олади ва тез тарқалади. Шу кунларда дунё бўйлаб грипп вирусининг А тури ёйланганлиги маълум бўлди. Одатда грипп эпидемияси узоққа чўзилмайди — бор-йўғи бирикки ой давом этади. Бироқ шунга қарамай, грипп эпидемияси даврида одатда кўпчилик кишилар соғлиғини ва иш қобилиятини йўқотади.

Баъзи кишилар шимоллаш гриппини келтириб чиқаради, деб ўйлашади, бу тушунча нотўғри. Шимоллаш гриппининг янада оғирроқ келишига ва турли асоратлар пайдо бўлишига сабаб бўлади, холос. Ҳозирги вақтда тарқалган грипп касаллигининг вирусини 1949—1956 ва 1977—1978 йилларда эпидемиялар келтириб чиқарган эди. Ҳозирги вирус А ниқ тузилиш хусусияти оддингиларидан фарқ қилади.

Грипп юқинишинг бирдан-бир манбаи шу касаллик билан оғриган бемор ҳисобланади. Грипп кўзгатувчиси беморнинг юқори нафас йўлларида жойлашади. Йўталганда, аксирганда ва гаплаганда ҳавога жуда кўп сўлак, балтам ва тулук заррачалари саярайди. Уларнинг тарқибидан бўлган вирус ҳавода бир қанча соат, кўлай шартларда эса бир неча кун сақланиши мумкин. Хасталик юқиниш дастлабки пайтдан бошлаб, унинг аломатлари юзага чиққунга қадар 1—2 кун ўтади. Касаллик ҳароратнинг 38 даражасига, ундан юқори кўтарилиши билан бошланади. Беморнинг боши, айнақса, пешона соҳаси қаттиқ оғриydi. Лоҳас бўлади, ҳоли кўриydi, аъзоний баданга титраб-қақшайди, елкаси, бели оғриydi, оғзи кўриydi ва иштаҳаси йўқолади. Қўнчица тумов бўлиб аксирди ва кўрүк йўтал пайдо бўлади. Бемор 5—6 кундан сўнг соғай бошлайди, лекин ҳаммаша ҳам шундай бўлавермайди.

Грипп вирусини одам организмидан захарлаб, унинг ҳимоя кўчларини фалажлайди ва ҳар хил касаллик кўзгатувчи микробларнинг организмда кўпайишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида турли оғирликларга бир қатор асоратлар келтириб чиқариши мумкин.

Асоратларнинг олдини олиш ва вирусни атрофидан тазаруат қилиш учун гриппнинг илк аломатлари пайдо бўлиши билан қўнчица дарҳол врач чақирши керак. Врач келгунга билар-билмас дори ичмаслик ва кўчага чиқмаслик керак. Бемор тузалгунга қадар ўрин-кўрпа қилиб ётиши, врач назоратида даволаниши лозим, ана шунда асоратларнинг олди

олинади. Бемор алоҳида хонага ётқизилади, бунинг иложи бўлмаса унинг қараоти чойшаб билан тўсиб қўйилади. Унга алоҳида идиш-товуқ тутилади. Бемор ётган хонанинг ҳавоси тоза бўлиши, уни тез-тез шамоллатиш туриш лозим.

Грипп билан оғриган беморни киши жуда муҳим. Унинг боши қаттиқ оғриётган ва ҳарорати банд бўлса, врач келгунга қадар бошига совуқ компресс қўйиш мумкин (соқчица бир неча қават бўлиб, совуқ сувга хўллаб сиқиб қўйилади). Компресс тез-тез алмаштириб турилади. Оёққа (горчица) иссиқ ванна қилиш тавсия этилади (ярим челақ сувга 1—2 ош қошиқ куруқ хандал солинади). Беморга ахши сингадиган сувли ва бошқа энгил овқатлар, витаминларга бой мевалар бериш фойдали. Терлатадиган ичимликлар (малина мураббоси билан иссиқ чой, липа гули давлмаси ва бошқалар) бериш лозим. Куруқ йўталганда, томоч оғриганда иссиқ ичимликлар ичиш ва оғзини чайниш анча ёрдам беради. Бемор оғзи ва томоғини чайиб туриш учун борот қисилота (бир стакан сувга бир чой қошиқ солинади) марган-пованнинг имитатор эритмаси ёки намакбанд фойдаланса бўлади.

Гриппга чалинмаслик учун энг аввал беморлар билан мулоқотда ахтиёт бўлиш керак. Шундай хасталикка чалинганлар бор коллективда албатта докдан маска тутиш шарт. Транспорт, савдо, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ва кўчичилик билан мулоқотда бўлинадиган жойларда ишлайдиганлар ҳам шундай қилганлари маъқул. Кўчага чиққундан олдин буюрун каттақилинган окселияни мой суртиш шиллик нарда ҳужайраларига вирус юқинишига йўл қўймайди. Бундай мой безарар, ишлашга қўлай ва анча самаралидир.

Хулоса шунки, жуда кўпчиликда грипп касаллигини энгил ўтади ва беморлар касалхонага ётишга муҳтож эмас, аммо касалликнинг оғир турлари ҳам учрайди. Бу кўпроқ вирус инфекцияси билан эмас, балки бронхитка системасининг турли микроблар билан зарарланиши ва беморда илгари бўлган бошқа касалликларнинг борлиги натижасидир. Бундай ҳолларда бемор врач маслаҳати билан шифохонада даволаниши шарт.

А. ҚОДИРОВ, Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқилми касалликлар илмий-тадқиқот институтининг катта илмий-ҳодими, медицина фанлари кандидати.

Редактор **Т. М. ҚОЗОҚБОВ.**

БИРЛАШМАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Беруний номидаги Тошкент политехника институти ҳузуридаги

ТАРМОҚЛАРАРО МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

1989 йилдан бошлаб

тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш иш шартларига ўтаётган бирлашмалар, ташкилотлар ва корхоналар учун тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш бўйича халқ ҳўжалиги ходимлари малакасини ошириш

ДОИМИЙ ИШЛАБ ТУРУВЧИ КУРСЛАРИНИ

ТАШКИЛ ЭТДИ

Курсларни муваффақиятли тамомлаганлар ўз қўлларига ягона нусхадаги гувоҳнома оладилар. Ҳўши муддати — 2 ҳафта ёки бир ой. Таълим курси учун — 50 сўм ёки 100 сўм ҳақ тўланади.

СССР Электротехника саноати министрлиги ва СССР Қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги министрлиги корхоналарининг ходимлари министрликларининг марказлашган фондлари ҳисобига бепул таълим оладилар. Институт тингловчиларни алоҳида ҳақ тўланган ҳолда меҳмонхона типидagi ётоқхоналар билан таъминлайди. Ётоқхона учун нақд пул тарзида шунингдек, пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади. Машғулотлар ҳар ойда ўтказилади (июль ва август ойлари бундан истисно). Бизнинг адрес: 700095, Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Студентлар кўчаси, 91-уй. Телефонлар: 46-54-29, 46-18-05, 46-87-45.

ГРАЖДАНЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАР

ДИҚҚАТИГА!

иш вақти ва масофаси чекланмаган ҳолда пассажирлар ва юзларни ташини учун ҳайдовчиларни доимий ишга ва ҳамкорлик йўли билан ишлашга

таклиф этади

Нормативдаги йўл босиб ўтилишига қараб эҳтиёт қисмлар, автоматналар, аккумуляторлар билан таъминлаш учун кафолат берилади.

Кооператив йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган вақтда бепул юридик консултация ёрдам кўрсатади. Кооператив комплекс соғломлаштириш комплексига эга бўлиб, унда сауна, сув ҳавзаси, машқлар ўтказиладиган зал мавжуд.

Ҳайдовчилар озиқ-овқат моллари билан таъмин этиладилар.

Кооператив, чўнончи видеомагнитофонларни прокатга бериб туриш, тўйлар, тантанали маросимларни кинога олиш, тематик фильмларга ҳам буюртмалар қабул қилади.

Бажаришган иш учун нақд пул тарзида ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 23-уй. Кооператив Фарҳод йрмаркеси яқинида жойлашган. Телефон: 75-19-00.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲЎЖАТИШ ВА ҚАСБГА ЙУЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



«СССР 50 ЙИЛЛИГИ» НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

инженер-технологлар, қўйиш ишлаб чиқариш инженер-технологлари, қуон ишлаб чиқариш конструкторлари, механиклар, катта мастерлар, токарлар, йўнвучи токарлар, силқилоқчилар, пармаловчилар, фрезерчилар, асбосоз слесарлар, йиғувчилар, ремонтчилар.

КАСБИ БўЛМАГАН КИШИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲАҚИДА 3-4 ОЙ МОВАЯНИДА ҲУНАР ҲЎЖАТИШЛАРИ МУМКИН.

4-АВТОБУС ПАРКИГА

«Д категориядаги 1-2 класс ҳайдовчилари ва ремонт ишчилари.

Автопарк ҳузурида ҳайдовчиларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи курслар мавжуд.

«ТАШИНЖТЕПЛОМОНТАЖ» трестининг 2-РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА:

юқори малакали газ-электр пайвандчилар, қозонхоналарни ремонт қилиш ва иссиқлик трассаларини ётқизиш бўйича слесарлар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙУЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАРКАЗИ — Космонавтлар проспекти, 6-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН БУЛИМИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

КУВБИШЕВ РАЙОН БУЛИМИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН БУЛИМИ — Энгельс кўчаси, 48-уй.

ЛЕНИН РАЙОН БУЛИМИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

ОКтябрь РАЙОН БУЛИМИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН БУЛИМИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН БУЛИМИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

ФУНЗЕ РАЙОН БУЛИМИ — Шота Руставели кўчаси, 87-уй.

ҲАМЗА РАЙОН БУЛИМИ — Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН БУЛИМИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

Реклама ва эълонлар



КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКИНГА» шаҳар китоб савдоси идорасининг 5 13-БУКИНИСТИК МАГАЗИНИЛАРИ

антиквар нашлаб, бадий адабиёт, тугалланган обуюна нашлаб, ва аҳоли ўртасида катта талаб сезилган бошқа адабиётларни, мағазиндаги комиссияга адабиётларни топшираётган шахслар билан келишилган баҳоларда

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ МАГАЗИНИЛАРИНГ АДРЕСЛАРИ: 5-мағазини — Ўзбекистон кўчаси, 8-уй. Телефон: 45-22-35; 13-мағазини — Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 41-25-90.

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИ, МИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Тошкент кўп миллатли ва кўп тилини шаҳар. Ҳар кун Тошкентни Иттифоқимиздаги барча ўн беш республикадан минглаб туристлар ва меҳмонлар ташриф буюради. Ҳар кун тилида уқиниш ёки қардош республикалардан бирининг тилини, ўрнини хоҳлаган барча кишиларни

«СССР ХАЛҚЛАРИ КИТОБЛАРИ» 42-МАГАЗИНИДА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бизнинг мағазинимиздан иқтимоий-сиёсий, бадий, болалар адабиётларини, санъатга оид альбомларни, ўзбек, қозоқ, татар, украин ва бошқа тиллардаги луғатларни харид қилиш мумкин. Мағазини адреси: Тошкент шаҳри, Самарқанд дарвозаси кўчаси («Москва» меҳмонхонаси ва ГУМ яқинида жойлашган). Телефон: 45-78-48. «ТАШКИНГА» шаҳар китоб савдоси идораси.

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

1989 йил 1 январдан бошлаб

«Союзреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг савдо рекламаси бўйича Ўзбекистон агентлиги «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонасига

АВЛАНТИРИЛДИ

Шу муносабат билан корхона шартномаларини амал қилиш муддатини узайтиради. «СОЮЗРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

РЕСПУБЛИКА ВА ШАҲАР КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номли Тошкент тиквучилик ишлаб чиқариш бирлашмаси

ташкilotларга иш қўзғолларини пул ўтказиш йўли билан РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ

Қўйидаги адресга мурожаат қилинсин: Энгельс кўчаси, 60-уй. Телефон: 35-16-12.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номли Тошкент тиквучилик ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Йўл-транспорт министрлигининг КАДРЛАР ТАЙЕРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ БОШЛИК ЛАВОЗИМИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризаларни топшириш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун. Адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Байнал-Минал кўчаси, 53-уй. Телефон: 78-29-06.

Чилонзор район соғлиқни сақлаш бўлимининг 2-теританосил касалликлари диспансерининг йўқолган ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ шунингдек врачлар Х. А. Муратова, Д. Г. Сафуллиналар номига берилган шахсий

ПЕЧАТЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ИСТИҚОЛЛАРИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

24 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА ЎЗБЕК ИСТИҚОЛЛАРИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ ДИРИЖЕРИ М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИНГ ПРОФЕССОРИ

Абдуғани АБДУКАРИМОВНИНГ

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

(Абдуғани Абдукаримов туғилган кўннинг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 35 йиллигига бағишланади) ПРОГРАММАДА

БИРИНЧИ БўЛИМ: НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ ЕТАҚИ СОЛИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА КОНЦЕРТ ИККИНЧИ БўЛИМ: А. ПЛАЗУНОВНИНГ «РАЙМОНДА» БАЛЕТНИ ИККИНЧИ КўРИНИШИДАН САХНА.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 20.00 гача сотилади. Справкалар учун телефон: 33-90-81.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДўСТЛИГИ САРОИИДА

14-15 январь кўнлари соат 16 ва 19.30 да

Ҳажвия ва кулги кечаси

КЕЛИНГ, БИР ҚУЛИШАЙЛИК ҚАТНАШАДИЛАР:

Тўртинчи республика аския ва қизилчилар конкурси лауреатлари: Мирза ҚОЛМЕДОВ, Тўхтамурад АЗИЗОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАМАДҲУЖАЕВ, Собит АСОМОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Малика АҲМЕДОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Рушана СУЙТОНОВА, Элмурад ИСЛОМОВ;

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР: республика мақомчилар II конкурсининг лауреати Эркин РўЗМАТОВ, Ғайсидин БОЙТОВ. Постановкани режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамаза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Абдурашид РАҲИМОВ. Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ТУРИСТИК ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ



Йўл ҳақи ҳисобга олинмаган ҳолда январь ойдан апрель ойигача ТУРИСТИК САЕХАТЛАРГА ПУТЕВКАЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ

140-маршрут. ЛАТВИЯ БўЙЛАБ (Эзернеки—Саулескис—Рига) 16 кунга. Ваҳоси — 137 сўм.

144-маршрут. ВОЛТИК БўЙИДАН БЕЛОРУССИЯГА (Рига—Калининград—Вильнюс—Минск), 16 кунга. Ваҳоси — 182 сўм.

860-маршрут. СТАВРОПОЛЬ—АДЛЕР, 20 кунга. Ваҳоси — 165 сўм.

866-маршрут. ТРАКАЙ-КАУНАС—ПАЛАНГА, 18 кунга. Ваҳоси — 165 сўм.

865-маршрут. БИРШТОНАС—ВИЛЬНЮС—ПАЛАНГА, 18 кунга. Ваҳоси — 155 сўм.

867-маршрут. ЗАРАСАЙ—ВИЛЬНЮС—КАУНАС, 18 кунга. Ваҳоси — 160 сўм.

Овқатларни, жойлашиш ва экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматида кирдирилади. Барча саволлар юзасидан қўйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 11-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69-а» уй (метронинг «Пахтакор» станцияси).

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА ОЛУВЧИЛАРГА ҲАМДА ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИК КООПЕРАТОРЛАРИГА

техника кўмаклашади

Тупроққа ишлов бериш, ерга ўрит сепиш, кейинчалик эса етилган ҳосилни йиғиб олиш ишхонда сермашақат иш ҳисобланади. Бироқ ҳусусий томошаларда ёки ижарага олинган ер участкаларида қишлоқ ҳўжалик юмчуллари билан шўғулланувчиларнинг иқтисодий кўч-қувват талаб қилинадиган ишлари бажаришда шахсий фондларидангина ПРИНЦИПЛИ Т-28 Х-4 МАЭ ТРАКТОРИ катта ёрдам қилади.

Т-28нинг ёқилғи сарфи 400кг, масофага 90 литрни ташкил этади. Прицепи универсал бўлиб, уч томонга очилади. Юк кўтариш қуввати — 4 тонна.

Т-28 Х 4 МАЭ ТРАКТОРИНИ «Ташхозтор»нинг «Борбон» («Саловод») мағазинидан (Шимол-Шарқ массиви, Қодиров кўчаси) ва «Таштоқлестройтор» мағазинидан (Салор базиси, Грампластинкал кўчаси) сотиб олиш мумкин.

Тракторнинг баҳоси — 6340 сўм. Прицепнинг баҳоси — 2770 сўм. «Узохотор»нинг Тошкент областлараро базаси.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕК ИСТИҚОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ҲАМЗА РАЙОН АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!


Холодчилик, кир ювиш машиналари, пиллослар — бу барча мураккаб рўзгор техникаси вақт ўтиб ремонт талаб бўлиб қолади.

Биз бу жиҳозларни уйда ремонт қилиб беришимиз ёки ремонт ишларини мураккаблигига қараб устaxonа шартларидан ремонтдан чиқаришимиз мумкин.

Қўйидаги адресга мурожаат қилишларингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Шолохов массиви, 41-уй.

Ҳамаза район филиалининг янги телефон номерига диққатингизни тортамиз. — 97-88-89 (справка ва буюртмалар учун).

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ТЕХСЛОЖВИТПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.



Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комиссияси қарарини «Узвостройтранс» Республика автотранспорт транспорт бирлашмаси коллективга 7-авторхона колонна бошлиғи Шўҳрат Усмоновч ОРИФНОЗОВНИНГ

вафот этганини чуқур қайғу билан бидириб, марҳумнинг онла аёллари ва таъзия изҳор қилди.

«Водоканал» трести коллектив бош энергетика бўлимининг етакчи инженер Ш. О. Қосимовга қиз

ЗУЛУМОРНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Театр